

**XX АСР БОШЛАРИДАГИ РУС ШАРҚШУНОСЛАРИНИНГ ПОМИР ВА ПОМИРОЛДИ
АҲОЛИСИ МАЪНАВИЙ МАДАНИЯТИНИ ЎРГАНИШГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ
(ҚИСҚАЧА ТАРИХИЙ ОЧЕРК)**

Кенжаева Наргиза Соатмуминовна – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент
kenjaeva82@inbox.ru

Чирчиқ давлат педагогика университети тузилмасидаги Қатагон қурбонлари хотираси музейи

**ВКЛАД В ИЗУЧЕНИЕ ДУХОВНОЙ КУЛЬТУРЫ НАСЕЛЕНИЯ ПАМИРА
И ПРИПАМИРЬЯ РУССКИХ ВОСТОКОВЕДОВ НАЧАЛА XX ВЕКА
(КРАТКИЙ ИСТОРИЧЕСКИЙ ОЧЕРК)**

Кенжаева Наргиза Соатмуминовна – доктор философии по историческим наукам, доцент
Музей памяти жертв репрессий в структуре Чирчикского государственного педагогического университета

**THE CONTRIBUTION OF EARLY 20TH-CENTURY RUSSIAN ORIENTALISTS TO THE STUDY
OF THE SPIRITUAL CULTURE OF THE PAMIR AND PRIPARAMIRYE POPULATION
(A BRIEF HISTORIOGRAPHICAL ESSAY)**

Kenjaeva Nargiza Soatmuminovna – Doctor of Philosophy in Historical Sciences, Associate Professor
Museum of the Memory of Victims of Repression structurally under the Chirchik State Pedagogical University

Таянч сўзлар: Помир, маънавий маданият, помир исмоилийлиги, рус шарқшунослари, этнография, диний эътиқодлар, историография, исломшунослик.

Резюме. Мақола XX аср бошларидаги рус шарқшуносларининг Помир ва Помиролди аҳолиси маънавий маданиятини тадқиқ этишга қўшган ҳиссасини таҳлил қилишга бағишланган. А.А.Бобринский, А.А.Семёнов, А.Е.Снесарев тадқиқотларида Помир аҳолисининг исмоилийликка эътиқод қилиши, турмуш тарзи ва урф-одатларини ҳамда пирларнинг маънавий ҳамда фуқаролик раҳбарлари сифатидаги муҳим роли таҳлил этилган.

Ключевые слова: Памир, духовная культура, памирский исмаилизм, русские востоковеды, этнография, религиозные верования, историография, исламоведение.

Резюме. Статья посвящена анализу вклада русских востоковедов начала XX века в исследование духовной культуры населения Памира и Припамирья. В исследованиях А.А.Бобринского, А.А.Семенова и А.Е.Снесарева анализируются приверженность населения Памира к исмаилизму, его быт и обычаи, а также ключевая роль пиров как духовных и гражданских руководителей.

Key words: Pamir, spiritual culture, Pamiri Ismailism, Russian Orientalists, ethnography, religious beliefs, historiography, Islamic studies.

Summary. The article is devoted to the analysis of the contribution of early 20th-century Russian Orientalists to the study of the spiritual culture of the Pamir and Pripamirye population. The research of A.A.Bobrinisky, A.A.Semenov, and A.E.Snesarev analyzes the adherence of the Pamir population to Ismailism, their way of life and customs, as well as the key role of pirs as spiritual and civil leaders.

Кириш. Помир аҳолисини этнографик жиҳатдан ўрганиш масаласига тўхталадиган бўлсак, Марказий Осиёда Россия империяси ҳукмронлиги ўрнатилган даврга келиб, Помир ҳудуди худди археологик, географик жиҳатдан бўлгани каби, этнографик нуктаи назардан ҳам мутлақо тадқиқ этилмаган ўлка эди. Помирни этнографик жиҳатдан ўрганиш ишларини мутахассис-этнографлар томонидан эмас, балки саёҳатчи-географлар, ботаниклар, зоологлар ёки Россия ҳукумати томонидан янги қўшиб олинган ўлкага хизмат сафарига юборилган офицерлар ва амалдорлар томонидан амалга оширилди. XX асрнинг бошларида эса тадқиқотчилар томонидан махсус тўпланган бой дала материаллари асосида ёзилган помирликларга оид дастлабки тадқиқотлар пайдо бўлди. Улар қаторига А.А.Бобринский, А.А.Семенов, А.Е.Снесарев ва бошқаларнинг изланишларини киритиш мумкин.

Маълумки, ҳар қандай халқ маънавий маданиятини энг муҳим таркибий қисмини унинг диний тасаввурлари ва эътиқодлари ташкил этади. Бу жиҳатдан Помир аҳолисининг диний тасаввурлари ўзига хос сезиларли хусусиятларга эга бўлган, чунки Марказий Осиёнинг қолган қисмида суннийлик устувор бўлган бир пайтда, бу ерда исломнинг исмоилийлик йўналиши кенг тарқалган эди.

Адабиётлар таҳлили ва тадқиқот методлари.

А.А.Семёновнинг тадқиқотлари ва илмий фаолияти бир қатор нашрларда кўриб чиқилган бўлиб, улар орасида Б.А.Литвинский ва Н.М.Акрамовларнинг ишини [6], шунингдек, Б.В.Луниннинг тадқиқотини [7] ҳамда яқинда олимнинг хотирасига махсус бағишлаб нашр этилган мақолалар тўпламини [4] алоҳида қайд этиш лозим. Бундан ташқари, В.В.Бартольд [1], Г.Н.Чабров [13], А.И.Кормилицин [5] ва бошқаларнинг мақолаларини ҳам тилга олиб ўтиш жоиз.

Мазкур мақолани ёзиш жараёнида биз томонимиздан тарихий билишнинг бир нечта методлари қўлланилди. Улар мазкур муаммони чуқур ўрганишга қўмаклашди ва асослантирилган хулосаларга келиш имконини берди. Хусусан, тарихий-қиёсий методдан фойдаланиш Помир ва у ердаги аҳолини ўрганишга доир тадқиқотларнинг ички омилларини, мақсад ва сабабларини ҳам батафсил ёритишга хизмат қилди. Дедуктив метод воситасида эса муаммонинг қўйилиши, маълумотлар тўпланиши, гипотезанинг шакллантирилиши ва унинг текширилиши, натижаларни ўрганиш ҳамда бир ёки бир нечта якуний хулосаларга эришиш босқичлари тадқиқ этилди.

Муҳокама. Помир ҳудудига яшаган исмоилийлар жамоасини ўрганиш ва Ўрта Осиёнинг тоғли

худудларини тадқиқ этишга улкан ҳиссасини қўшган шарқшунос ва этнограф олим Алексей Алексеевич Бобринский бўлиб, у 1901 йилда Помиролди бекликлари бўлмиш Вохан, Ишкошим, Горон, Шуғнон ва Рўшонга ташриф буюриб, ўлканинг бутун аҳолиси шу пайтгача тахмин қилинганидек шиаликка эмас, балки исмоилийлик йўналишига мансуб эканлигини аниқлади.

Исмоилийликнинг фарқловчи хусусияти бўлган эътиқод қилинувчи диний таълимоти сир тутиш (тақия) тамойили муаллифга улар ҳақида мукаммал маълумотлар тўплашга ҳалақит берди. У фақатгина жамоанинг ташқи ташкилий масалалари билан чекланишга мажбур бўлди. Саёҳати давомида А.А.Бобринский учта бош исмоилий пирлари билан суҳбатлашиш имкониятига эга бўлди ва Помир исмоилийлари ҳақидаги айрим маълумотларни айнан улардан олди. Уларнинг ҳикоялари асосида Помир исмоилийлариға бағишланган мақоласини ёзди [3].

Муаллиф мақоласида исмоилийлар жамоаси ҳаётида ўз қўл остидагиларнинг руҳи ва жисмоний вужудининг мутлақ эгалари ҳисобланган пирларнинг улкан рол ўйнашини кўрсатишдан бошлайди. Пир исмоилийға унинг маънавий, оилавий ва фуқаролик ҳаётида раҳнамолик қилади. Ҳар бир исмоилийнинг ўз пири бўлади. Исмоилийликнинг VIII асрда вужудга келиш тарихини баён этар экан, муаллиф уни шиалик секталари ичидаги энг радикаллари билан бири деб атайди. Унинг издошлари худони ҳар қандай сифатлардан маҳрум қиладилар ва сектанинг ташқи тузилиши эса дарвишлик тариқатларини ёдга солади.

А.А.Бобринскийнинг 1908 йилда нашр этилган ва йўл хотиралари асосида ёзилган бошқа бир асари гарчи махсус Помир исмоилийлигига бағишланмаган бўлса-да, Помир исмоилийлари диний амалиёти, урф-одатлари ва турмуш тарзининг айрим жиҳатларига доир кўплаб маълумотларни ўз ичига олади [4].

Исмоилийларни ўрганиш ишларини яна бир машҳур рус олими-шарқшуноси – Александр Александрович Семёнов (1873–1958) давом эттириб, соҳага кўплаб янги ва қизиқарли маълумотларни олиб кирди.

У 1898 йилда Москва университети ҳузуридаги Табиатшунослик, антропология ва этнография хаваскорлари жамияти томонидан ташкил этилган, А.А.Бобринский раҳбарлигидаги Ўрта Осиё экспедициясида иштирок этди. Ўрта Осиёга бир нечта сафар ва экспедицияларни амалга оширган А.А.Семёнов, тилшунослик ва этнографик хусусиятга эга бўлган йирик асарлар яратди [7:299].

1912 йилда А.А.Семёнов “Ислом дунёси” журналида “Шуғнон исмоилийлари диний эътиқодларига доир” номли мақоласи эълон қилинди. [8]. Унда А.А.Бобринский тўплаган маълумотларга мос келмайдиган кўплаб қизиқарли тафсилотларни келтиради. Хусусан, А.А.Семёнов исмоилийлар нафақат Афғонистон ва Ҳиндистонда, балки Қашқар ва Тибетда ҳам мавжуд деган хулосага келди. Муаллиф исмоилийлар ақидасининг асосларини баён қилади ва илк бор уларнинг айрим маросимлари тавсифини берди. А.А.Семёновнинг маълумот берувчилари орасида исмоилий руҳонийлари вакиллари бўлмагани сабабли, мақолада, табиий равишда, расмий “китобий” исмоилийлик эмас, балки “халқчил” исмоилийлиги ўз

аксини топган ва буни муаллифнинг ўзи ҳам алоҳида таъкидлайди [8:523].

Помир исмоилийлари таълимотининг турли жиҳатларига тўхталар экан, А.А.Семёнов унинг турли томонларини очиб беради. Жумладан, Худо тушунчаси, бизни ўраб турган оламнинг қандай яратилганлиги ва унинг асосини нима ташкил этиши кўриб чиқилади [8:534-542].

1915 йилда А.А.Семёнов иккита мақоласини эълон қилади. Уларда Помир исмоилийлари икки машҳур мусулмон арбоби – Жалолиддин Румий ва Баҳоуддин Нақшбанд ҳақидаги тасаввурларини ёритади [9] ҳамда уларнинг қолган мусулмон дунёсида умумқабул қилинган таржимаи ҳолларидан сезиларли даражада фарқ қилувчи помирга хос вариантларини келтиради. Иккала асар ҳам исмоилийлик ва тасаввуф ўртасидаги узвий боғлиқлик ҳақидаги энг қизиқарли маълумотлар манбаи бўлиб хизмат қилади.

1917 йилдан кейин ҳам А.А.Семёнов исмоилийликни тадқиқ этиш соҳасидаги изланишларини давом эттирди ва 1923 йилдан 1926 йилгача бўлган даврда Бадахшон ва Помирда исмоилийлик тарқалишининг ташаббускори ҳисобланган буюк тожик-форс шоири ва исмоилийликнинг кўзга кўринган арбоби Носир Хусравнинг “Важҳи дин” (“Имон юзи”) асарининг айрим боблари таржимаси ва баённи ўз ичига олган бир қатор тадқиқотларни чоп этди [8; 9; 10;].

А.А.Семёнов Помир ва Марказий Осиё исмоилийлари орасида энг машҳур асар “Важҳи дин” эканлигини ва уни пирлар ҳамда уларнинг ноиблари ўқишини кўрсатиб ўтади. Ушбу китобнинг ўн биринчи боби одатда энг катта диққат-эътиборни ўзига тортади.

А.А.Семёнов яна иккита исмоилий таълимотиға оид асарларнинг таржимасини нашр эттирган. Булар “Алининг илоҳий сифатларига бағишланган исмоилий қасидаси” ва “Илоҳийлаштирилган Алиға бағишланган исмоилий мадҳияси” бўлиб, ушбу иккала асар ҳам битта қўлёзмада мажмуасидан ўрин олган. “Мадҳия” муаллифи “Фидоий” адабий таҳаллуси билан ижод қилган замонавий исмоилий олими ҳисобланади. Форс тилида ёзилган “Исмоилийлик тарихи” асарининг муаллифи бўлган ушбу шахс Оғохон III нинг илмий-диний доирасига мансуб бўлган. Унинг тўлиқ исми Муҳаммад ибн Зайн ал Обидин Хуросонийдир.

А.А.Семёновнинг исмоилийлик муаммосига бағишланган сўнгги йирик тадқиқоти Носир Хусравнинг “Рўшнонома” (“Нур китоби”) асарининг шу пайтгача номаълум бўлган Шуғнон исмоилийлари тахририни нашр этишдир. Ушбу нашр А.А.Семёновнинг фанга қўшган салмокли ҳиссасидир, чунки унча маълум бўлган “Рўшнонома”нинг бешта рўйхати у келтирган матндан жуда катта фарқ қилади [10].

Помирликларнинг диний қарашларига бағишланган тадқиқот ишларини олиб борган яна бир шарқшунос олим А.Е.Снесарев (1865–1937) бўлиб, унинг 1904 йилда нашр этилган “Ғарбий Помир тоғлиқларининг дини ва урф-одатлари” [13] номли мақоласи Ғарбий Помир ва исмоилийликка эътиқод қилувчи Помиролди мулклари аҳолисига бағишланган. Кўпроқ оммабоп хусусиятга эга этнографик кузатувларни ёдга солади.

1902-1903 йилларда А.Е.Снесарев Помир отряди бошлиғи бўлган ва маҳаллий аҳоли билан беvosита мулоқотда бўлган. Ўз мақоласини “Туркестанские

ведомости” газетасида эълон қилар экан, қарашларини газета ўқувчиларига мослаштирган ҳолда соддалаштириб тақдим этди.

Снесарев асарининг ҳажман кичик, аммо муҳим қисмида Ғарбий Помир аҳолиси тавсифланади. Бу қисм муаллифнинг помирлик “туб аҳолига” бўлган ва сезиларли хайрихоҳлик билан йўғрилган қарашларини яққол намоён этиди. У уларда ўз табиатида кўра “европаларга яқин” бўлган, сўзлар, ривоятлар ва ҳатто кўшиқ куйларида ҳам умумийлик кузатиладиган инсонларни кўради. Муаллифнинг бундай фикри, катта эҳтимол билан, славянларнинг “орийлар ватани” ҳақидаги назарияси билан боғлиқ.

Снесарев илмий ҳолисликка интилганига қарамай, “ориенталистик” тафаккур ва қарашлардан бутунлай воз кеча олмади. У илмий билимларни ўзлари бир қисми сифатида ҳис қилган Империяга хизмат қилдиришга интилган империя амалдорлари ва ҳарбийларидан бири эди. Улардан фақат санокчиларигина вақт

ўтиши билан ёт унсурни истисноий равишда салбий қабул қилиш қоидаларини енгиб ўтишга муваффақ бўлдилар.

Хулоса. Амалга оширилган тарихшунослик шарҳи якунларини сарҳисоб қилиб, ишонч билан таъкидлаш мумкинки, XX аср бошларидаги рус шарқшуносларининг фаолияти Помир ва Помиролди аҳолиси маънавий маданиятини ўрганишда ҳал қилувчи босқич бўлди. А.А.Бобринский, А.А.Семёнов ва А.Е.Снесаревларнинг тадқиқотлари жаҳон исломшунослигига бебаҳо ҳисса қўшиб, Помир исмоилийлигини ўрганишни сифат жиҳатидан янги илмий босқичга кўтарди.

Кўриб чиқилган тадқиқотчиларнинг илмий мероси бугунги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган. Уларнинг асарлари замонавий тарихчилар, файласуфлар ва диншунослар учун фундаментал манба бўлиб қолмоқда ҳамда исмоилийликни ноёб ижтимоий-маданий ва диний ҳодиса сифатида ўрганишда бебаҳо ёрдам кўрсатмоқда.

Адабиётлар

1. Бартольд В.В. Александр Александрович Семенов (Жизнеописание). // Изв. РАН. Сер. 6. 1918, № 14.
2. Бобринский А.А. Горцы верховьев Пянджа (ваханцы и ишканимцы). Очерки быта по путевым заметкам Гр. А.А.Бобринского. – Москва: т-во скоропеч. А.А.Левенсон, 1908.
3. Бобринский А.А. Секта исмаилия в русских и бухарских пределах Средней Азии. Географическое распространение и организация. – Москва: т-во скоропеч. А.А.Левенсон, 1902.
4. Вклад академика А.А. Семенова в изучение истории и культуры таджикского народа. Материалы Международной научно-теоретической конференции, посвященной 140-летию академика А.А.Семенова (Душанбе, 13 декабря 2014г.). – Душанбе, 2014.
5. Кормилицин А.И. Некоторые данные о трудах А.А.Семенова по выявлению и исследованию восточных рукописей. // Востоковедение. (Труды ТашГУ. Вып. 456.). – Ташкент: 1973.
6. Литвинский Б.А., Акрамов Н.М. Александр Александрович Семенов (Научно биографический очерк). – Москва: «Наука», 1971.
7. Лунин Б.В. Семенов А.А. // Советская археология. 1959, № 2.
8. Семенов А.А. Из области религиозных верований шугнанских исмаилитов. // Мир Ислама. 1912, № 4. – С. 534-542.
9. Семенов А.А. Взгляд на коран в восточном исмаилизме. // Иран. Т. I. Москва: Изд-во АН СССР, 1926.
10. Семенов А.А. Насыри-Хосров о мире духовном и материальном. // Сборник Туркестанского Восточного Института в честь проф. А.Е.Шмидта. – Ташкент: Туркгосиздат, 1923. – С. 129-144.
11. Семенов А.А. Противоречия в учении о переселении душ у памирских исмаилитов и Насыр-и-Хосрова. // Бюллетень САГУ, 1925, № 9. – С. 101-109.
12. Снесарев А.Е. Религия и обычаи горцев западного Памира. // Туркестанские ведомости. – Ташкент: 1904. – С. 89-93.
13. Чабров Г.Н. Александр Александрович Семенов как книговед. // Книга. Исследования и материалы. Вып. 3. – Москва: Изд-во Всесоюзной книжной палаты, 1960. – С. 407-411.